

ҲЕЧ КИМНИНГ, АВВАЛАМБОР, МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

● 2009-йил ● 15-октябр ● Payshanba ● 122 (30.082) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган

АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО ПАХТА ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

ТОШКЕНТДА 14 ОКТЯБРЬ КУНИ ЖАҲОН ПАХТАЧИЛИК САНОАТИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕА — V ХАЛҚАРО ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ЯРМАРКАСИ ИШ БОШЛАДИ.



Мазкур анъанавий ярмарка давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Сифат» пахта толасини сертификатлаш маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ярмарканинг очилишида мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнаомлигида иқтисодиётнинг муҳим бўғинларидан бири бўлган пахтачиликда амалда оширилган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Пахтадан юқори сифатли тала олишининг янги технологияларини ривожлантиришига, пахта хомашёсининг савдосига бозор иқтисодиёти тамойиллари ва механизмларини кенг жорий этишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Пахта толаси экспортининг очиқ механизмлари такомиллаштирилди. Бу эса жаҳон бозорида Ўзбекистон пахта толасининг нуфузи ва рақобатбардорлиги кескин ошишига сабаб бўлди. Сўнгги йилларда миллий сертификатлаштириш тизими туб ўзгаришларни бошдан кечирди. Пахта толаси сифатини белгилашнинг жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган HVI кўрсаткичи-

ри тизимига ўтилди. «Сифат» маркази пахта сифати ва ҳар бир той толанинг вазнини назорат қилиш имконига эга кўп тармоқли лабораториялар билан жиҳозланди. Жаҳонда давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, юртимизда қарор топган мустаҳкам сиёсий ва иқтисодий барқарорлик боис бошқа соҳалар қатори пахтачилик ҳам жадал ривожланаётди.

Бугунги кунда ўзбек пахтаси Хитой, Россия, Эрон, Покистон, Хиндистон, Бангладеш, Жанубий Корея, Сингапур, Вьетнам, Туркия сингари кўплаб давлатларга экспорт қилинмоқда.

Тўқимачилик саноати юксак даражада ривожланаётган Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари корхоналарининг ўзбек пахта толасига эҳтиёжи тобора ортмоқда.

Ўзбекистон пахта толаси жаҳон бозорида ўзининг юксак сифати, оқлиги ва пишқиллиги, технология кўрсаткичларининг юқорилиги ва жаҳон тўқимачилик саноати талабларига тўлиқ жавоб бера олиши билан машҳур.

Юксак сифати жаҳонда эътироф этилаётган ўзбек пахта толасига талаб халқаро бозорда муттасил ортиб бораётди. Ярмарка қатнашчилари сонининг йил сайин кўпайиб бораётгани бунинг яққол тасдиғидир. Хусусан, 2008 йилдаги ярмаркага ўттиздан ортиқ мамлакатдан уч юздан зиёд компания ва пахта бизнеси соҳасида фаолият кўрсатаётган 400 нафардан зиёд вакил ташриф буюрган бўлса, бу гал 34 мамлакатдан 515 иш одами иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Ўз мухбирларимиз хабар қиладилар

НУКУСДА ЯНГИ ИЛМ ДАРГОҲИ

Яқинда бу ерда Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиали биноси фойдаланишга топширилди. — 320 ўринли олий дар-

гоҳ биносининг қурилиши тез ва сифатли бажарилди, — дейди филиал директори Ниетбай Утеулиев. — Бу ерда 4 та компьютер, 14 та ўқув хонаси, 120 ўринли

мажлислар ҳамда спорт зали мавжуд. Давлатимизнинг ушбу гамхўрлигидан қорақалпоғистонлик ёшлар беҳад мамнун. **Рейимбой ЁШИМБЕТОВ**

«БУХОРОГИПС»НИНГ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИ

Когон шахрида фаолият кўрсатаётган «Бухорогипс» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида янги маҳсулот — қуруқ қурилиш қорималари ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Дунёнинг қирқдан ортиқ мамлакатда фаолият кўрсатаётган КНАУФ компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур қўшма корхонада эндиликда бинокорликда пардозлаш ишларида қўлланиладиган тўрт хил қуруқ қурилиш аралашмаси тайёрланапти. Қўшма корхона директори Жамшид Нурмухаммедовнинг таъкидлашича, цехда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тенг ярми экспорт учун мўлжалланган. Цех йилига 50000 тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Даврон БАҲРОНОВ

СИФАТ УЧУН КАФОЛАТ

«Қамаши пахта тозалаш» ОАЖни модернизация қилиш учун жами 1 миллиард 853 минг сўм ажратилган эди. Бу маблағ қурувчилар томонидан тўлиқ ўзлаштирилди. Бинолар, цехлар таъмирдан чиқди. Янги ускуналар ўрнатилди. Тола, момиқни пресловчи жиҳозлар, элеватор,

транспортёрлар тўла янгиланди. Модернизация корхонада ишлаб чиқариш қуввати ошиши, электр энергияси сарфи камайиши имконини яратиши баробарида, маҳсулот сифати яхшиланиб, тола ажратиш анча кўпаяди.

Юнус УЗОҚОВ

СЎЗ — ЯРМАРКА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Сан **ЖУАН ХОНИМ**, «China National Cotton Exchange» компанияси бosh директорининг ўринбосари (Хитой):

— Ўзбекистоннинг пахта бозори барқарорлиги билан ажралиб туради. Компаниямиз кўп йиллардан буён ўзбек пахтасини сотиб олади. Чунки унинг юқори сифати Хитой саноати талабларига тўла мос.

Илгари ўзбек пахтасини воситачилар орқали харид қилар эдик. Мазкур ярмарка уни тўғридан-тўғри сотиб олиш имконини яратди. Ўзбекистон пахта толасининг халқаро андозалар асосида сертификатлаши муҳим кафолатдир.

Ярмарка юксак савияда ташкил этилгани билан эътиборга молик. Анжуманда иштирок этаётган хорижий компаниялар сони йил сайин ортаётгани жаҳон бозорида ўзбек пахтасининг нуфузи юксалиб бораётганидан далolatдир. Ярмаркада ўзаро манфаатли шартномалар тузиш ниятидамыз.

Дак Су ЧАНГ, «J&N White Gold» компанияси директори (Корея Республикаси):

— Ўзбекистон пахтачиликни ривожлантириш борасида юксак натижаларга эришмоқда. Бунинг иштирокчилари сони ошиб бораётган мазкур ярмарка мисолида ҳам кўриш мумкин.

Биз мамлакатингиз билан бир неча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Компаниямиз пахта савдоси билан шуғулланади. Ушбу ярмарка воситасида кўп томонлама фойдаланувчи мулоқотлар олиб бориш ва истиқболли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамыз. Ўзбекистон компаниялари билан ҳамкорлигимиз изчил ривожланиб боравера-

ди, дейиш учун тўла асослар бор.

Мухаммад ПАНОҲИЙ, «Niko Group» компанияси савдо менежери (Эрон):

— Компаниямизга тегишли етти корхона тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иқтисослашган. Пахтачиликнинг сифати фоят юқори бўлгани боис маҳсулот ишлаб чиқаришда ўзбек пахтасидан фойдаланишга ҳаракат қиламыз.

Бизнинг компания вакиллари ярмаркада биринчи бор иштирок этмоқда. Бу ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашда жуда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Ярмаркада дунёнинг кўплаб мамлакатларидан вакиллар қатнашининг ўзиёқ ўзбек пахтасининг шўҳрати дунё бўйлаб кенг ёйлаётганидан далolatдир.

Махдий Ал-МАСЪУД, «Global Cotton» компанияси раҳбари (Бангладеш):

— Компаниямиз ўн йилдан буён ўзбек пахтасини сотиб олади. Харидимиз хажми йилдан-йилга ортмоқда. Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришдан манфаатдормыз. Зеро, ўзбек пахтаси дунёда энг аъло талабилардан биридир. Биз юқори сифатли, аъло таснифга эга пахта толасини сотиб олмақчимиз. Ишлаб чиқарувчиларимизнинг шундай хомашёга эҳтиёжи катта.

Ўйлайманки, ярмарка самарали мулоқотларни йўлга қўйишимиз, бундан ташқари, компаниямиздаги ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун катта имкониятлар яратлади.

ЎЗА мухбирлари **Ноҳира МАНЗУРОВА**, **Мадина УМАРОВА** ёзиб олди.

ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60, 77-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасига ҳамда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, 2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ўтказиладиган сайловда қатнашиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатларни тақдим этди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ўтказиладиган сайловда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг иштирокчилари кўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзо варақаларини Марказий сайлов комиссияси томонидан текшириш жараёнида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши номидан ваколатли вакил сифатида Зокиржон Холматов ва Гавҳар Рамановалар иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

ЎЗХДП МИНТАҚАВИЙ КЕНГАШЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИ



БИЗГА ИШОНГАН, ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЁТГАН

аҳоли қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш сиёсий фаолиятимизнинг асосий мақсадидир

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастурида аҳоли катта қисмининг манфаатларига бевосита дахлдор кўллаб қувватловчи ҳал этиш юзасидан партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳларининг вазифалари белгилаб олинган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг плену-

мида Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга оширишда партия ташкилотининг амалий иштирокчилари таъминлашга қаратилган ишларни қўлайлаштириш масалалари кўриб чиқилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси, халқ

депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари, партия ташкилотлари раҳбарлари, фаоллар бу борадаги мавжуд механизмлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларни такомиллаштириш юзасидан фикрлашди.

(Давоми 2-бетда)

ИСТАГАНГА ИШ ЕТАРЛИ **2**

Ўқувчининг Ёзув дафтари у қандай бўлиши керак? **3**

«ИЛОЖИ БЎЛСА МЕНИ УНУТМА» **4**

O'zbekiston havo yo'llari **TOSHKENT** XALQARO AEROPORTI Хизматлар лицензияланган

БИЗГА ИШОНГАН, ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЁТГАН

аҳоли қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш сиёсий фаолиятимизнинг асосий мақсадидир

— Узининг 2200 йиллигини кенг нишонлаган кўна Шош янада чирой очиб, йирик мегаполисга айланди, — деди ЎзДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати Учқун Шойимқулов. — Пойтахтда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва бу изчил давом этмоқда. Президентимиз ва ҳукуматнинг Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, унинг меъморий қиёфасини такомиллаштиришга бағишланган 8 та махсус қарори қабул қилинди. Тошкент шаҳрини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурлари доирасидаги ижтимоий вазифаларни амалга оширишда шаҳар партия ташкилотлари ва халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг фаол иштирокини таъминлаш бўйича ҳаракат дастури қабул қилинди. Шу билан бир қаторда бу соҳадаги камчиликлар танқид қилинган эди. Шундан келиб чиқиб, партияимизнинг пойтахтдаги аъзолари шаҳарни ободонлаштириш, инфратузилмасини ривожлантириш ва ижтимоий муаммоларни ечишга қаратилган ишларда фаолроқ иштирок этиши лозим. Шаҳар партия ташкилотлари, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг ушбу масалаларда ташаббускор бўлиши мўҳим сиёсий аҳамиятга эга.

Масалан, иссиқлик таъминоти корхоналари иши самарадорлигини ошириш бўйича Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган чора-тадбирларга ва 2015 йилгача пойтахт иссиқлик таъминотини ривожлантиришнинг янги Бош лойи-

(Давоми. Боши 1-бетда)



ҳасини ишлаб чиқишга фаолларимизни жалб этиш тўғрисидаги масалани олайлик. Бу масала ўта долзарб ва янада кўпроқ эътиборни талаб қилади. Бироқ биз хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш ва кўп квартиралы уй-жой фондидан фойдаланиш бўйича бошқарувчи компанияларнинг рақобатли тармогини ривожлантириш бўйича асосланган таклифлар билан чиқмадик.

Шаҳар Кенгашидаги партиядан сайланган депутатлар ижтимоий ҳимояга мўҳтож бўлган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш, кекса ёшдаги фуқаролар саломатлигини тиклаш бўйича амал борилаётган ишларни яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш, пенсионер ва ногиронлар ҳуқуқини ҳимоялаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида долзарб масалаларнинг жойларда ҳал этилишига ҳисса қўлиш келмоқда. Бироқ, бу ҳали етарли эмас. Тошкент шаҳар Кенгашидаги партиядан депутатлик гуруҳи томонидан электорат манфаатларига жавоб берадиган масалаларни сессиялар муҳокамасига киритиш бўйича жиддий ташаббуслар зарур.

Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими ўқув-

лари, депутатлар, фаолларнинг электорат вакиллари билан учрашувлари, давра суҳбатларида қўтарилаётган муаммо, масалалар таҳлили комплекс ҳал этилиши лозим бўлган масалаларга оидлик киритиши, шубҳасиз. Мисол учун, пойтахт партия ташкилотларидаги Жамоатчилик қабулхоналарига қилинган мурожаатлар таҳлил қилинганда, уларнинг учдан бир қисмидан кўпроги уй-жой-коммунал хизмат кўрсатишдаги камчиликларга тегишли экани кўринади...

Пленумда, шунингдек, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ташкилотининг 2009 йил 27 декабрда бўладиган давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловида иштирок этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

— Сайлов орқали ҳар бир сиёсий партиянинг жамиятда қанчалик обрў-эътибори борлиги аниқраш намён бўлади, — деди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзДП депутатлик гуруҳи раҳбари Гулчехра Ахунова. — Сайловолди кампаниясини шундай ташкил этайликки, ўтган давр мобайнида партия ташкилотлари томонидан олиб боришган ишларни ҳам кўрсата олайлик, ҳам сайловчилар ишончини қозонишга эришайлик. Бу-

нинг учун биз сайловолди тарғибот-ташвиқотининг аниқ, пухта ўйланган режасига эга бўлишимиз керак.

Элмира БОСИТХОНОВА, шаҳар тез-тиббий ёрдам клиник шифохонаси бош врач, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:

— Сайловларда иштирок этиш бўйича биз катта тажрибага эгамиз. Бу галги сайловолди кампаниясини ҳам ана шу тажрибалар асосида, ўтган сайловлар натижаларидан тўғри хулоса чиқариб ташкил этмоғимиз зарур. Бунда сайловолди штаблари зиммасига катта масъулият юкланди. Штаб аъзолари сиёсий тажрибага эга, сайлов қончилиги жараёнларини пухта билган кишилардан иборат бўлиши керак, деб ўйлайман.

Жасур ҚЎЛМУҲАММЕДОВ, Автомобиль ва йўллар қасб-хўнар коллежи директори, профессор:

— Шу сайловлар натижаларига кўра, биз етакчи партия макomini қўлга киритишимиз шарт. Партияимиз ўз Дастурида электоратимиз манфаатларига оид долзарб масалаларни олдириш сурган. Сайловолди платформамизда ҳам бугун юртимиз, электоратимиз учун

энг керакли масалаларни ўртага ташлашимиз керак. Вакиллик органларида кўпчиликка эга бўла олмасак, уларни амалга ошириш қийин кечади.

Хусниддин НАСРИДДИНОВ, Илбс Эргашев номли 4-сонли шаҳар шифохонаси бош врач:

— Сайлов мазмун-моҳиятига кўра, тарихий воқеа, жуда катта сиёсий кампания. Унга енгил-елли қараб бўлмайди. Сайловда етарли овоз ололмаган партия ўз макоеини йўқотди. Очиғини тан олиш керак, ўтган сайловда имкониятни бой бердик. Шаҳар Кенгашига 11 нафар вакилимиз сайланган эди, холос. Бунинг сабабларидан бири, кампания даврида бошланғич ташкилотларимиз кўнгилдагидек ишламаганидир. Бу жараён эса партиянинг Марказий Кенгашидан тортиб энг куйи бўғинигача ҳамжихатликда ишлани талаб этади.

Баҳодир ҲАСАНОВ, ЎзДП Сергели туман кенгаши раиси вазифасини бажарувчи:

— Сайловчилар билан ишлашда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, урф-одатлари, муаммолари, одамларнинг кайфиятини билиш ўта зарур. Айтиқса, партия ташкилотлари етакчилари, номзодларнинг ишончи вакиллари бунга алоҳида эътибор беришлари керак. Чунки, улар билан тил топишишда бу мўҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, фаоллар яна кўплаб масалаларни ўртага ташладилар. Сайлов кампаниясини муваффақиятли ташкил этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдаги курултойига делегатлар сайлиди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди. Пленумда ЎзДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳамидулла Назаров сўзга чиқди.

Баҳодур ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири. Абдिवоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО ПАХТА ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

Ярмарка давомида иштирокчилар мамлакатимизда пахта саноатини ривожлантириш стратегияси билан батафсил танишиш, ўзбек толасини етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш имконига эга бўлади. Ярмарка қатнашчилари ўзбек пахтасининг юқори сифатини таъминловчи омиллар билан танишиш баробарида пахта тозалаш заводлари, терминаллар ва фермер хўжаликларидан бўлиб, Ўзбекистонда пахта етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш борасидаги ўз маълумотларини бой-тади. Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси маҳаллий ва хорижий компаниялар ўртасида ўрнатилган ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва янги босқичга кўтаришда мўҳим аҳамият касб этади.

Ушбу анжуман нафақат Ўзбекистоннинг тегишли ташкилотлари билан турли давлатлардаги йирик тўқимачилик компаниялари ва етакчи трейдерлар ўртасида, балки пахта етиштириш, қайта ишлаш, сотиш, ташиш билан шуғулланувчи кўплаб мамлакатлар, фирмалар ва компанияларнинг ҳамкорлигини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллари пахта ҳосилининг ярмаркага қўйилган қисмлари тўла сотилди. Хусусан, 2008 йилги ярмаркада 950 минг тоннадан ортиқ пахта толасини сотиб олиш бўйича шартнома ва битимлар тузилган. Бу ўзбек пахтага жаҳон бозорига талаб катталиги ва унинг тақлиф этилаётган ҳажми ҳар доим тўла харид қилинаётганини тасдиқлайди.

Мамлакатимизнинг пахта экспорти билан шуғулланадиган ташқи савдо компаниялари замонавий ва самарали сотиш усулларини қўллаган ҳолда, ўз маркетинг стратегиясини мураккаб шакллантириш ҳуқуқига эга. Ярмаркада қатнашаётган чет эл трейдерлик фирмалари ва тўқимачилик компанияларига ўзлари танлаган тола сотиб олиш учун тўғридан-тўғри шартномалар тузиш билан бир қаторда, уни ташқи тўғрисида келишиб олиш имконияти берилиши Ўзбекистон экспорт сиёсатининг мўҳим натижасидир. Истеъмолчиларни бундай хизматлар билан таъминлаш учун барча шароит яратилган. Мамлакатимизда ўттизга яқин пахта терминали, транспорт инфратузилмаси ва кенг тармоқли йўналишлардан иборат логистика тизими йўлга қўйилган. Ўзбек толасини етказиб бериш юзасидан мунтазам кенгаймоқда, пахтаимизни сотадиган бозорлар сони кўпайиб бораётгани ҳисобга олинган ҳолда, янги транспорт йўллари ишлаб чиқилмоқда.

Ярмарканинг очилишида сўзга чиққан хорижий экспертлар Ўзбекистон юқори сифати билан ажралиб турадиган пахта катталарини равишда етказиб беришчи мамлакат эканини, юрти-

мизда бозор нархлари ўзгаришига қараб, унинг мослашувчан кўрсаткичларидан фойдаланилаётгани, буларнинг барчаси ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасида манфаатдорликни оширишни таъкидладилар.

— Жаҳон бозорига талаб юқори бўлган ўзбек пахтасининг юксак сифати юртингизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самарасининг ёрқин намоянидир, — деди «Cotton Outlook» халқаро агентлиги бош муҳаррири Рей Батлер. — «Cotton Outlook» журнали дунё мамлакатларида ишлаб чиқарилган пахта толаси мониторингини олиб боради. Ўтказилган ана шундай мониторинг натижаларига биноан айтиш мумкинки, ўзбек пахтасининг сифати ва харидорлиги мутасил ортиб бормоқда. V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида дунё бозорининг барча йирик иштирокчилари қатнашаётгани бунинг ёрқин далилидир.

V Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси қатнашчилари «Ўзэкспомарказ» кўргазма павильонларида пахта толасининг ранг-баранг намуналари билан танишидилар. Бу ерда пахта сифатини баҳолаш ва танланган товарни сотиб олиш бўйича шартнома тузиш имконияти яратилган. Айти пайтда ярмарка иштирокчилари Ўзбекистон Товар-хонашэ биржаси савдоларида қатнаш, пахта толасини сотиб олиш имкониятига ҳам эга.

Ярмарканинг биринчи иш кунини қизғин музокараларга бой бўлди.

— Дунёда пахтага эҳтиёж йилдан-йил ошмоқда, — дейди Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси ижрочи директори Терри Таунсенд. — Бу эса, ўз навбатида, пахта етиштириш ҳажминини янада оширишни талаб этади. 2005 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур ярмарка жаҳон пахта саноатида жуда мўҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам унинг иштирокчилари сони йил сайин ортиб бормоқда. Пахта бизнеси билан шуғулланувчи иш одамлари учун улкан имкониятлар эшигини очадиган ушбу нуфузли анжуман харидор билан сотувчи ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имконини бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси мамлакатимизнинг жаҳон пахта бозоридида мавқеи изчил юксалиб, ҳамкорларимиз сафи кенгайиб бораётгани, пахтаимизнинг сифати ва харидорлиги ошаётганининг яна бир ёрқин тасдиғидир. Мазкур анжуман юртимиз иқтисодиётини жадал тараққий эттириш баробарида унинг нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов сўзга чиқди.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири.

Ижтимоий ҳимоя

Ушбу меҳнат ярмаркасида пойтахтдаги фаолият кўрсатаётган 900 тага яқин корхона ва ташкилотлар 15,5 мингдан зиёд бўш иш ўринларини аҳолига тақлиф этди. Тадбирда 194 та иш берувчи корхона 9406 та бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари билан қатнашди. Масалан, биргина пойтахт ободонлаштириш тизими ташкилотларида ишчиларга бўлган эҳтиёж 1500 тани ташкил этди.

Тўғриси, баъзи одамлардан фарзданим тиббиёт институти ёки қасб-хўнар коллежини тамомлаб, иш тополмаяпти, деган гапларни эшитиб қоламиз. Ваҳоланки, меҳнат ярмаркасида 483 та шифокор ва ҳамшираликка бўш иш ўринлари тақлиф этилди.

Мазкур тадбирга пойтахтнинг 474 та маҳалласидаги салкам 14 минг нафарга яқин иш билан банд бўлмаган аҳоли жалб этилди. Шунингдек, Қуролли Кучлар сафидан

шароитда меҳнат қилишни истаиди. Ҳатто меҳнат ярмаркаларининг қандай ташкил қилиниши ҳам одамларнинг назарига бўлади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, меҳнат ярмаркасида қатнашаётган ташкилот ўз павильонини дид билан жиҳозлаган, ҳатто эълонлар тахтасининг дизайни турлича, одамлар эътиборини имкон қадар кўпроқ тортишга қаратилган. Ҳар бир павильон олдида махсус вакил микрофон орқа-


— Мен ҳам мусиқа коллежида эстрада хонандалиги йўналиши бўйича тахсил олялман, — дейди Козим Тешабоев. — Учтепа туманидан лаёқатимга яраша ишга тақлифнома олдим, очиги, кўнглим тўлди.

Учтепа туманидаги «Али-Акмал» хусусий фирмаси раҳбари Дилбар Ибодова навбатдаги бўш иш ўрнига бир аёлга йўлланма бераётган экан.

— Ун йилдан бери фаолият кўрсатяпмиз. Тикувчилик билан шуғулланамиз. Асосан хотин-қизларни касаначиликка жалб қиламиз. Ярмаркада 100 дан ортиқ йўлланмалар тар-

аёл. — Икки нафар фарзданим бор, болаларим ёш, касаначилик менга маъқул. Шундай ишга тақлифнома олдим.

— Мен мулкдорлар ширкатига ишлашни истардим, — дейди Сергели туманидаги Сергели-2 мавзесида яшовчи Маяжамол Бозорова. — Ишсиз эдим, маҳалла қўмитасидан меҳнат ярмаркасига автобусда олиб келишди. Бўш



ИСТАГАНГА ИШ ЕТАРЛИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан яқинда Бобур номли маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган меҳнат ярмаркаси ва унинг натижалари хусусида



захирага бўшатишган, олий ўқув юрти ва қасб-хўнар коллежларини тамомлаган ёшлар, жазо муддатини ўтаб қайтган фуқароларга бўш иш ўринлари тақлиф этилди.

Бугунги одамлар янгиҳа фикрлайди, барча қўлайликларга эга шарт-

ли иштирокчиларни бўш иш ўринларига қорлаб қақиряпти. Демакки, иш берувчилар орасида ўзаро рақобат юзага келяпти, иш истовчилар учун эса танлаш имконияти бор. Тадбирга ташриф буюрганларнинг руҳи кўтаринки, айниқса, ёшлар эълонлар, доскаси олдида тўп-тўп бўлиб, ўзаро қизгин суҳбатлашмоқда. Учтепа тумани павильонини ҳам бир гуруҳ ёшларни учратдик:

— Биз яқинда мусиқа коллежини битирамиз, — дейди ўзини Шаҳзод Маҳмудов деб таништирган йигит. — Мутахассислигимиз бўйича иш қидираётган эдик. Бизга яхши иш тақлиф қилишди, маоши ҳам маъқул.

қатдик, иш сўровчилар, қўшимча даромад қилишни истовчилар кўп. 15 та янги иш ўринимиз бор, яқинда ана шунча янги иш ўрни очишни мўлжаллаб турибмиз.

— Талабгорлар кўп бўлса, танлаб оласизларми? — сўраймиз.

— Албатта.

— Очиғи, қўлимда гулдай хунарим бор — тикувчиман, пальто, плаш, шим тикаман, бичаман, замонавий дизайнда пардалар тикаман, — деди ишга йўлланма олаётган бир аёл.

— Уч нафар гулдай фарзданим бор. Аммо бир фирибгар аёлнинг алдолиғига учиб, хорижга ишлашга бориб, 2 йил саргардон бўлиб юрдим... меҳнатимга ҳақ ҳам ололмадим... Йўлдан адашдим, кўзим кеч очилди. Олдиндан оққан сувнинг қадрини йўқ, деганларидай, ўзга юрда хорзор бўлдим... Мана, ҳозир ишга йўлланма олдим, энди касаначилик қиламан, болаларим бағримда...

— Мен Дилдора Мирсоатоваман, Сергелида ашайман, — дейди 3-4 яшарлик боласини етаклаб келган

ўринга йўлланма олдим, бориб кўриб бир хулосага келаман, аммо иш берувчиларнинг менга тақлиф қилган омушидан, ойлик маошидан қониқдим.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор Фарида Абдурахимова шундай дейди:

— Пойтахтдаги йилнинг ҳар чоррагида ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларида туман, маҳалла хотин-қизлар қўмиталари фаол иштирок этипти. Чунки хотин-қизларимизни иш билан таъминлашга янада эътиборни кучайтиряпмиз. Ярмаркага ташриф буюрганларнинг салмоқли қисмини хотин-қизлар ташкил этипти. Шу боис туман ҳокимияти улар учун махсус автобуслар ташкил этипти. Корхона ва ташкилотлар тақлиф этаётган бўш иш ўринларининг 40 фоизи хотин-қизларга мўлжалланган ишлардир. Қўмитамиз меҳнат ярмаркасида бўш иш ўринларга йўлланма олган хотин-қизлар иш фаолиятини мониторинг қилиб бо-

ради. Минглаб аёлларимиз бўш ўринларга йўлланмалар олишди. Дастлабки мониторинглар уларнинг 70 фоизи иш билан таъминланганини кўрсатяпти.

Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Жамолдин Шохқимов шундай дейди: — Бундай меҳнат ярмаркалари кейинги вақтда тез-тез ташкил этилмоқда. Ушбу навбатдаги меҳнат ярмаркасида 30 минг 443 нафар аҳоли қатнашди. Уларнинг 16 минг 902 нафари бевосита иш қидириб келган шахслардир. Қатнашчилардан 8 минг 272 нафарига бўш иш ўринларига йўлланмалар берилди.

Жорий йилда пойтахтдаги ўтказилган меҳнат ярмаркаларида 80 минг нафардан ортиқ банд бўлмаган аҳоли янги иш ўринларига йўлланмалар олишди, уларнинг аксарияти ишга жойлашди. Маҳаллаларнинг ўзида 2 минг нафардан ортиқ хотин-қизлар, ёшлар иш ўрнига эга бўлишди.

Дарҳақиқат, тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад — банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашдир. Таъбир жоиз бўлса, меҳнат ярмаркаси — иш истаганга имкон эшиги демакдир.

Санда САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири. Суратларда: Бобур номли маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида лавҳалар.

Суратлар муаллифи Абдिवоси ҲАЙДАРОВ.

Қарор ва ижро

Оддий дафтарлардан ўқувчи ҳар кун фойдаланади. Унинг муқоваси, ҳар бир саҳифаси, кўриниши, шакли шайиш муррак бола тарбиясига, дунёқарашига шубҳасиз таъсир кўрсатади. Афсуски, ҳозир ҳам баъзи бир савдо дўконларида сотилаётган дафтарларни кўпроқ санъаткорлар афшасига ўхшатиш мумкин. Муқоваси жанговар ёки одоб мезонларига тўғри келмайдиган тасвирлар, кино, эстрада «юлдуз»лари сурати билан безалган дафтарлар бола, ўсмир руҳиятида қандай из қолдиради?

Масала — муаммага айланиб улгурган. Бу ҳусусида матбуотда мулоҳазалар билдирилди. Ўқувчилар дафтарларини тайёрлаш ва улар савдоси билан шуғулланиш жараёнини ислоҳ қилиш зарурати юзага келди. Жорий йил август ойида Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол бозорини ёзув дафтарлари билан таъминлашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилиниши бу борада муҳим қадам бўлди.

Биз мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Матбаа корхоналарини сертифицилаштириш ва стандартлаштириш масалалари бўйича мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Рўзимат ТОИРОВАга мурожаат этдик.

— Маълумки, таълим тарбия жараёнида ҳеч бир жиҳатни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Ўқув куролларининг сифати, кўриниши, шакл-шамойили ҳақида ҳам айни гапни айтиш мумкин. Сизнингча, мактаб ўқувчиси дафтарига қуйиладиган талаблар қандай бўлиши лозим?

— Таҳсиллар шуни кўрсатмоқдаки, республикада тайёрланаётган ўшбу маҳсулотнинг аксарият қисмини мактаб ўқувчиларининг 12-18 варақли дафтарлари ташкил қилади. Аммо уларнинг кўпчилиги сифатсиз қоғоздан тайёрланаётган эди.

Мутахассисларнинг фикрича, ёзув дафтари қоғози 74-88 фоиз оқ, 1 кв метр қоғознинг оғирлиги 70-80 грамм атрофида бўлиши лозим. Бу ҳақда агентлик томонидан ишлаб чиқилган «Умумий дафтарлар» ва «Мактаб дафтарлари» тармоқ стандартларида аниқ кўрсатилган. 2007 йилда мазкур стандарт қайта ишланиб, Ўзбекистон агентлиги томонидан тасдиқланди.

Шу йили Халқ таълими вазирлиги томонидан «Ўқувчи дафтарида қуйиладиган талаблар бўйича тавсиялар» ҳам ишлаб чиқилди ва матбаа корхоналарига иш жараёнида фойдаланиш учун юборилди. Унда таъкидланганидек, 5-9-синф ўқувчилари учун дафтар муқоваларини фанлар йўналиши бўйича беэса мақсадга мувофиқ. Масалан, кимё фанидан тутиладиган дафтар муқовасининг 4-бетиде Менделеев даврий жадвали, физика фани дафтарида физик қонулар, тарих фани дафтарида тарихий саналар ва ҳоказолар қайд этилса, бу ўқувчида фанни ўзлаштиришда катта ёрдам беради.

Юқорида айтиб ўтилган

ЎҚУВЧИНИНГ ЁЗУВ ДАФТАРИ

у қандай бўлиши керак?



саъй-ҳаракатлар натижасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан турли сериаллар қаҳрамонлари ва эстрада хонадалари суратлари, миллий тарбиямизга тўғри келмайдиган тасвирлар ҳамда бошқа характердаги реклама эълонларни муқоваларда чоп этиш бирмунча камайди.

— **Мактаб бозорларини ўрганишимизда, расталарда кўпроқ хорикда ишлаб чиқарилган дафтарларни кўрдик. Ваҳоланки, бу дафтарлар аксариятнинг кўриниши метъерий ҳужжатларда белгиланган талабларга жавоб берадими.**

— Галингизда жон бор.

Аниқланишича, истеъмол бозорига кириб келаётган дафтарларнинг каттагина миқдори, аниқроғи, 4 минг тонна саноат маҳсулотлари экан. Кўпгина хорижий ишлаб чиқарувчилар дафтар тайёрлашда бизнес мақсадини устувор қилиб қўяди. Дeyл-ки, ўқувчи бозор рақибасида мультфильм қаҳрамони расми билан безалган дафтарни кўради. Табиийки, мультфильмнинг ўзига ҳам қизиқиб, дўкондан, дўстидан ўша дискни сўрайди. Бу ерда дафтар ўзига хос реклама вази-фасини бажараяпти. Хорикда турли эстрада гуруҳлари, студиялар ва бошқа

реклама берувчилар дафтар ишлаб чиқарувчига харажатнинг ярмини тўлайди. Давлат эса маҳсулотини экспорт қилгани учун матбаа корхонасига имтиёз беради. Ана шунинг учун ҳам хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг юр-

ни толиқтиради, диққатини чалғитади. Бошлангич синф учун математика дафтари катта чизиклари ўлчови одатдагидек 5x5 мм эмас, балки 7x7 мм бўлиши лозим. Сабаби, эндигина ручка ушлашни ўрганаётган бола кенроқ каттакларда ёзишни осон ўзлаштиради. Шунингдек, бошлангич синф дафтарлари муқоваси бирор фанга оид сурат ёки манзара, турли тасвирлар билан безатилмаслиги, оддий бўлиши зарур.

— **Табиийки, дафтарларнинг тайёрланиши матбаа корхоналарининг зиммасидаги юмуш. Ҳукумат қароридан сўнг ушбу корхоналар фаолиятида қандай ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда?**

— Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган матбаа корхоналари бир йилда 400 миллионга яқин дафтар ишлаб чиқариш имкониятига эга. Республика истеъмол бозорини дафтарлар билан таъминлаш мақсадида матбаа корхоналари томонидан жорий йилнинг январь-июль ойларида 3 миллион 391 минг дона 12 варақли дафтар ва 387 минг дона умумий дафтар ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, август ойида савдо ташкилотлари буюртмаларига кўра, 600 минг дона ёзув, кундалик ва иш дафтарлари очик савдога етказиб берилди. Қарорга мувофиқ, ишлаб чиқаришнинг ҳар томонлама самардорлигини ошириш мақсадида матбаа корхоналарини дафтар ишлаб чиқариш учун қоғоз импорт қилишда қўшимча қий-мат солиғидан озод этиш масаласи ваколатли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, импорт қилинадиган бошқа хомашё, техник асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмлар бўйича божхона тўловларини мақбуллаштириш юзасидан қатор ишларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Дилфўруз ЗАЙНИЕВА суҳбатлашди.
Абдвисо ХАЙДАРОВ олган суратлар.

тимиз бозорларини эгаллашга интилиши кучли. Оммавий маданиятни тарғиб қиладиган бундай дафтарлар боланинг ёт гоғлар таъсирига тушиб қолишига сабаб бўлади. Аммо, биз бунга йўл қўймаслигимиз лозим. Қарорда менталитетимизга зид бўлган ахборотни тарқатиш харақатига, дизайнига эга бўлган дафтарларни республикамизга кириб келишининг олдини олиш ва ички бозорни бундай маҳсулотлардан тозалаш ҳақида масъул идораларга зарур кўрсатмалар берилган.

— **Қарорда ёзув дафтарлари учун гигиеник талабларни белгилловчи санитария қонди ва метъерларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Бу борада қандай ишлар қилинмоқда?**

— Мазкур масала бўйича Республика санитария-эпидемиология назорати маркази ўз тақлифларини билдирган. Аввало, ўқувчи дафтари экологик тоза материалдан тайёрланиши, муқова безаклари турли ёрқин рангларда бўлмаслиги лозим. Чунки ёрқин ранглар боланинг кўзи-

Кўшработ тумани Истиқбол қишлоғида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи корхона иш бошлади. Айни пайтда қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари очилди.

КИШЛОҚДА КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

— Кичик корхонани ташкил этиш мақсадида республика акционерлик тижорат «Микрокредит-банк»нинг туман филиалидан кредит олиб, замонавий технология келтириб ўрнатганмиз, — дейди Фарҳод Нарзуллаев. — Шунингдек, корхонада нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологиялар ҳам ўрнатилди. Келгусида қолипчи нон билан бирга 10 га яқин турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бу эса яна ўнлаб қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш имконини беради.

Абдували ХУДОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БИР БУРДА НОН ҚАДРИ

Қайси кун бир маросимда ранги сўлгинроқ, гап-сўзлари маънос бир йигит билан суҳбатдош бўлиб қолдим. У менинг газетанда ишлашимни билиб, юрагини ёзди: — Ўз юртингдан қўйма-син экан. Ўтган йили бир ҳаммаҳалламнинг сўзига кириб, ўзга юртда мўмай пул топиш орузида тайёр иш жойимдан бўшаб келдим. Ҳаммадан ҳам ачинарлиси фарзандларимнинг ризқини қийиб, йўлга ҳозирлик кўрдим. Қариндош-уруғлар мени бу йўлдан қайтаришига уринишди. Шунда гўё улар менга бахиллик қилаётгандек туюлди. Кўп ўтмай йўлга тушдик. Ҳали юртдан чиқмасданок шеригим бутун оғирлигини менга ташлади. Ҳамма чиким мендан эди. Қайтмоқчи ҳам бўлдим.


— Унинг номардлигини билиб-сиз, нега шундай қилмадингиз? — дедим ачинган ҳолда. — Тўғриси айтсам иродасизлик қилдим. Бу ишимдан ҳануз пушаймонман. — Ишонасизми, ўлар ҳолатда манзилга етдик. Қанақадир, тилига тушуниш қийин бўлган одамлар орасида ишладик. Қани энди бир дақиқа дам олсак. Тиним йўқ. Жуда хўрландик. — Еб-ичишимиз нима бўлди? — Нима бўларди, ёвгон борш, гоҳида перловкадан бўтқа. Нони ёпишқоқ, чайнолмайсиз. — Уёқ-бўёққа айланишга чиқар-мидинглар?



— Юртлар бордир гиёҳ уммаган, куёш кўрмаган, деган гапларни кўп эшитгандим. Ўзим унинг гувоҳи бўлдим. Дарахт у ёқда турсин, бута ҳам ўсмас экан. — Демак, борган жойинглар чўл-биёбон экан-да? — Ундан ҳам баттар. Шунда сўлими ҳовлимизни, ариқлардан шарақлаб оқадиган сувни, чамандек очиладиган гулларни кўрсатдим. Айниқса, эшигимиз тагидаги читти гулни эсладим. Онам кузга яқин гулни ардоқлаб тағларини чопиб кўярдилар. Ўша манзара ҳеч кўз ўнгимдан кетмасди. — Онангиз бормилар? — дедим дабдурустан. — Борлар, қариб қолдилар. Уни яна хаёл олиб қочди. Қилган ишига пушаймонлиги гап-

сўзидан билиниб турарди. Гапдан чалғибганини сезиб, яна саволга тутдим. — Кейин нима бўлди? — Дунёда яхши одамлар бор экан, улар кўмағида ишинг битаркан. Бахтимга кимсасиз жойда ўзимга ўхшаб адашган бир йигит билан танишиб қолдим. У анча ишбилармон чиқиб қолди. Аста тили бириктириб қочиб йўлини ахтардик. Фақат пул керак эди. Пул анқонинг уруғи. Ундан-бундан қилиб амаллаб ороқ пул билан йўлга тушдик. Йўл-йўлақай кўринганида ишлаб, қорин тўйгаздик. Ороқ маблағ ҳам топган бўлдик. — Сизни олиб кетган шерик қаёқда қолди? — У борган кунимизнинг эртасига қорасини кўрсатмади. Но-мард экан. — Ҳозир ишламасизми? — Ҳа, ишонамдагилар, қариндош-уруғлар қўллашди. Яхшилар бор экан, яна ўзим олдин ишлаган жойимга жойлашдим. — Узоқдаги куйруқдан, яқиндаги ўпка яхшилигини кеч тушуниб-сиз-да?! — Ҳа, жуда кеч тушундим. Ҳануз афсусдаман. Демак, мўмай пул топаман, деб хомхаёлга берилганларга адашманлар, ўзга юртининг олтин кумушидан ўзинг беминнат топган бурда нонинг афзал деган ҳақиқатни англашимиз керак. **Юнус ЗИЁДОВ,** меҳнат фахрийси.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили



КЎРКАМ, ЗАМОНАВИЙ ВА ҚУЛАЙ

Уч юз минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган Денов туманида айни кунларда 35 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Сўнгги йилларда Давлат дастури асосида 9 та қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Уларни тиббий анжомлар, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминлаш учун ҳукуматимиз то-

монидан 149 миллион сўм маблағ сарфланди. Денов туман маркази-



Абдували ХАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: «Жаматак» қишлоқ врачлик пункти фаолиятдан лавҳалар.

Мухаммад ЖУМАЕВ олган суратлар.

Турмуш чорраҳаларида

44 МИНГ ХОДИМ


ИШСИЗ ҚОЛАДИ

Мексика ҳукумати мамлакатнинг марказий туманларини электр энергияси билан таъминловчи «Luz y Fuerza del Centro» (LFC) энергетика компаниясини ёпиш тўғрисида қарор қабул қилди. Сабаб: компания фаолиятини молиялашда қийинчиликлар юзага келмоқда.

2003 йилдан 2008 йилгача унинг умумий харажати 433 миллиард песо (32,5 миллиард доллар)ни ташкил этгани ҳолда энергия савдосидан тушган пул 236 миллиард песога етди, холос.

25 миллион кишилик миқозга эга компанияни ёпиш эвзалик ҳукумат йилига 1,5 миллиард долларга тенг маблағни иқтисод қилмоқчи. Компания фаолиятини тўхтатган, унинг 44 минг ходими ишсиз қолади. Аммо ишчиларга 2,5 йилгача тоvon пули тўлаб турилади. Шу муддат ичида улар бошқа ишга жойлаштирилари лозим.

«BBC News» хабар беришича, «LFC»нинг ўрнига «Federal» давлат компанияси аҳолини энергия билан таъминлайди. «LFC» компаниясининг бир неча минг кишилик ходимлари компания ёпилишига қарши норозилик акцияси ўтказдилар. Яқин кунларда яна шундай акция уюштирилиши, унга 20 мингга яқин пенсионер ҳам қўшилиши кутилмоқда.



ҲАРБИЙ ИНТИЗОМНИ БУЗСА

маошидан «кесилади»

Латвия ҳукумати мамлакат Мудофаа вазирлиги томонидан Ҳарбий интизом регламентига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни қўллаб-қувватлади.



Киритилган ўзгаришларга кўра, кимки ҳарбий интизомни бузса маошининг 20 фоизидан айрилади. Бундай жазо чорасининг энг узоқ муддати 6 ойгача чўзилиши мумкин. Фақат

бу жазо чорасини қўллаш учун армия кўмондони ёки мудофаа вазирининг санкцияси талаб этилади.

«Mixnews» АА хабар беришича, шу пайтгача Латвия армиясида ҳайфсан эълон қилиш, қамқоқ, лавозимини ва унвонини пасайтириш каби жазо чоралари қўлланилди.

Маълумки, шартнома асосида шакллантирилган Латвия армияси жорий йилда ҳарбий хизматга чақирувни амалга оширмади. Сабаб: иқтисодий инқироз шароитида маблағ етишмапти. Бундан ташқари, қуроли кучларда харажатларни камайтириш учун бир неча юзлаб офицер ва бошқа ҳарбий хизматчилар иш ўрни қисқартирилиши эълон қилинди.

«БОИНГ-737-200» ДАН

Фойдаланиш вақтинча тўхтатилди

Киргизистоннинг фуқаро авиацияси департаменти «Боинг-737-200» самолётларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатиш тўғрисида фармойиш эълон қилди.

Кейинги пайтларда мазкур русумдаги самолётларда юз бераётган техник носозликлар шундай қарорга келишга сабаб бўлди, дейилади «AKIpress» АА хабарига. Жумладан, 9 октябрдан 10 октябрга ўтар кечаси Исломободдан Бишкекка учган «Киргизистон» авиакомпаниясининг «Боинг-737-200» самолёти парвозда двигатели ишламай қолган боис Покистон пойтахти аэропортига қайтиб қўнишга мажбур бўлди. Ўшаки, бахтсиз ҳодиса рўй бермади. Самолёт бортида 43 нафар йўловчи ва 6 нафар экипаж аъзоси бор эди. Ҳеч бирига зийн етмади. Худди шундай ҳолат Дубайда ва Уралда ҳам қайд этилди. Шунинг учун ҳам бу самолётлардан фойдаланиш вақтинча тўхтатилди. Самолётлар тўлиқ техник назоратдан ўтказилди. Носозлик сабаблари аниқланиб, бартараф этилган, қайта фойдаланишга рухсат берилди.

Машхурлар маҳалласи

«ИЛОЖИ БЎЛСА МЕНИ УНУТМА»



Энг бахтли оилар: Улмас Умарбеков қизи Умида билан.

биранг тоғасининг қўйиб қўйгандек ўзи-ку! Уша жиян — Бахтиёр ҳозир Архитектура ва қурилиш институтининг талабаси. Тоғасининг асарларини севиб ўқийди, бу китоблар кўпинча унинг дўстларининг қўлида бўлади, таассуротларини ўртоқлашади...



Улмас хотиралар: Зухра (чапда) ва Мавжуда Умарбековалар.

— Улмас ака худди мана шу ерда ўтирдилар. Шу ҳонага кирсам ҳозир ҳам ўринларида хиёл табасум билан боқиб ўтиргандек туюлаверарди...

кониёт экан. Лавозим курсисига ўтириб маҳалла билан ўзининг орасига кўзга кўринмас тўсиқ қўйишга уринадиган баъзи раҳбарларни кўрганлар учун бу гаплар балки эртадек туюлар? — Улмас ака билан бир мактабда ўқиганмиз, — эслайди Абдулла Қаҳҳор номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Турғун Азимов...


Пойтахтнинг Яққасарой туманидаги Абдулла Қаҳҳор маҳалласи юзлаб оддий маҳаллалардан бири — ҳовли жойлар ва йиғирмадан зиёд кўп қаватли уйлاردан иборат, беш мингга яқин аҳолисининг ҳам эл қатори ташвишу хурсандчиликлари бор. Улар эрталаб ишга, кечқурун эса уйлариغا ошиқадилар. Йўли маҳалланинг Хумо тор кўчасидан ўтайдиганлар «Бу уйда 1959-1994 йиллар ўзбекистон халқ ёзувчиси Улмас Умарбеков яшаб, ижод қилган» лавҳасини кўриб, нури хотираларини ёдга олсалар ажаб эмас...

— Сиз бош эгиб, бировдан бир нарсга сўрамайсиз, ор қиласиз. Улсам, маъракаларим анча қийнаб қўйса керак, бор-будимизни касалимни даволашга сарф қиляпман. Пулга зориксангиз, ана «Волга»ни сотинг, фақат бу ишни ўзингиз эллай олмайсиз, алданиб қолишингиз мумкин. Саид Аҳмад акага айтинг, сотишга ёрдамлашадими...

дима, бундай катта раҳбарларнинг хизматида шофёрлари ҳозир туришади, ҳеч бўлмаса оила аъзоларидан биронтаси ҳам чиқса бўлади-ку нонга? Энди тушунаяман, Улмас ака оддий одамлардан, халқдан узиллиб қолишни истамаган, ҳар бир дақиқаси ҳисобли раҳбар учун эса эрта тонгда нонга чиқиб бу йўлдаги бир им-

МАТОНАТИНГГА БАЛЛИ, ДАВРОН!

Даврон Хидилов эндигина йиғирма ёшга тўлди. Афсуски, йиғитчининг, қулоғи оғир, нутқ имконияти ҳам чекланган. Унинг отаси Ақром ака тақдир зарбасига дуч келган ўғлининг келажагига беварқ бўлмади. Даврон ўн икки ёшга тўлганида отаси уни «Жар» спорт мажмуидаги таэквондо тўғрагига етаклаб борди. Бу ерда у мураббий Тохир Жўраевдан илк сабоқларни олди...



Зирлиги ҳамда Ўзбекистон Паралимпия ассоциациясига миннатдорчилик билдирамиз. Олдинда жаҳон чемпионати кутиб турибди. Ниятимиз — Даврон Хидилов билан юртимизга жаҳон чемпионати олтин медалини олиб келиш. Ишонманки, матонатли таэквондочимиз бунинг уддасидан чиқади.

ТОШКЕНТ КОРТЛАРИДА

Пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари теннис мактабда мукофот жамғармаси 125 минг АҚШ долларини ташкил қилувчи «Челленджер» халқаро турнири давом этмоқда.

ФИНАЛЧИЛАР АНИҚ

Футбол бўйича Мисрда ёшлар ўртасида ўтказилаётган XVII жаҳон чемпионатининг дастлабки ярим финалда ганаликлар венгриялик тенгдошларини 3:2 ҳисобидан енган бўлса, иккинчи ўйинда Бразилия футболчилари коста-рикаликлардан устун келди — 1:0.

TUZATISH:

ООО «Munitsipal Aukcion markazi» tomonidan gazetaning 15.09.2009 yildagi №111 (30.072) sonida chop etilgan e'lonlari 27-oktabr va 10-noyabr savdo kunlarini mos ravishda 17-noyabr va 1-dekabr deb o'qilsin.